# МУАЛЛИМА

**Она тили ва нафис сўз муаллимаси Раҳбар опа АЛИМОВАга**

*Болалик кўчасида шўхликни қўймай,*
*Тириклик ташвишидан нари яшардик.*
*Мактаб - илм саройи боқардик тўймай,*
*Бизлар фан уфқига толмай шошардик.*

*Сиздан сабоқ ўрганди ҳар бир чанқоқ дил,*
*Сиздан ёдгор қолди билим чироғи.*
*Нурли олис йўлларга отландик дадил,*
*Эзгу ният ратиш яхшилик боғин.*

*Сирли олам калити бизнинг қўлларда,*
*Тил билган бой бўлар, бўлмас хору зор.*
*Она тили — қуёш, биз юрган йўлларда,*
*Тил севган қоқилмас, мангу бахтиёр.*

*Чархпалакдек айланар бетиним дунё,*
*Кунлар ўтар, фарзандлар катта бўлишар.*
*Бошқатдан бизлар қайтиб келгандай гўё*
*Улар билан бағрингиз яна тўлишар.*

*Баҳор фаслидек бари қайта бошланар,*
*Муаллимам, қалбимда азизу азим,*
*Билимгоҳ сари қутлуғ қадам ташланар,*
*Сизга эса бир умр қилармиз таъзим.*

**Эркин ҚОДИРОВ**



## Ko'ngil bitiklari

* * *

*Отажоним елкалари*
*Менга ҳамон чўнг кўринар.*
*Менинг ташвиш, ўйларим-чи,*
*Отам учун жўн кўринар.*

*Босиб ўтар довонларим*
*Кўзга юксак, дўнг кўринар.*
*Отам учун бу йўллардан*
*Юрмоқ жуда ўнг кўринар.*

*Невараларин қучганида*
*Кўзларида нур кўринар.*
*Пойларининг тупроғини*
*Кўзга сурай, дур кўринар.*

*Бузрукворим, омон бўлинг,*
*Ёшингиз минг-минг кўринар.*
*Аввали Каъбам ўзингиз,*
*Маккатилло сўнг кўринар.*

**Маърифат ДОНИЁРОВА,**
**Нурота тумани Ш.Рашидов номидаги 20-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси**



*Кўкларга интилаётган кўнгиллар...*

## Sport

### «НЕКСИЯ»ДА ЧЕМПИОН БЎЛДИ

1999 йилги автопойга бўйича республика чемпионатида Шерзод Жумаев, М.Қаюмов, А.Мадияров, С.Мукурдумовлар ғолиб, деб топилди. Шерзод бошқарган «Нексия» марра чизиғини биринчи кесиб ўтди. «Жигули», «Ниссан-Сильвия» русумидаги машиналар мураккаб йўлларда ҳам бошқаришга қулай автомобилимиз изидан юришга мажбур бўлди.

### УЧ ДАҚИҚАЛИК ЖАНГ

«Темир қўл» Тайсоннинг яна рингга қайтиши хосиятсиз бўлди. АҚШнинг Лас-Вегас штатида Орлен Норрис билан бошланган курашнинг уч дақиқасигина ўтган эди. Ўчакишган боксчилар жанжалида Майк Орленга кутилмаган мушт туширишни мусобақани натижасиз қолдирди.

### СТРИКЛЕНД ОҚЛАНДИ

«Вашингтон» баскетболчиси Род Стрикленд «қизил» сигналга бўйсунмаганлиги учун полиция томонидан ушланган эди. Унинг адвокатлари бир йиллик қамоқ жазоси ёки 5000 доллар (АҚШ) жарима тўлашдан озод эта олдилар. Чунки унга қўйилган айбномалар ҳеч бир гувоҳсиз эди.

### РАҚИБИ ЖАРОҲАТ ОЛГАНИ УЧУН

Собиқ Иттифоқ миқёсида энг мўъжизакор боксчига айланган Олег Маскаев шу йил 8 ноябрь куни Хазим Раҳмон билан рингга тушадиган бўлди. Таъкидлаш жоизки, Хазимнинг рақиби Желько Маврович ўтган ҳафта тан жароҳати олгани учун унга рақиб бўла олмади.

### МАДРИДЛИКЛАР АЛАМДА

«Реал» (Мадрид) футболчиларининг доимий рақиблари бўлмиш «Атлетико» жамоасига 1:3 ҳисобида бой бериши гуруҳ сардорини қийин аҳволга солиб қўйди. Қаторасига саккизта ўйинни ғалабасиз якунлаш «қирол клуби»га ярашмай турибди.

maydonchasi

# ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Sport

Пойтахтимизнинг Марказий ҳарбий спорт клуби залида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер А.С.Аронов соврини учун 1985-87 йилларда ва 1988-90 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида дзюдо кураши бўйича икки кун давом эттан I республика очиқ беллашувлари ниҳоясига етди.

Республика очиқ турнирида турли вилоятлардаги спорт клубларининг 400 нафарга яқин ёш полвонлари чемпионлик учун қизғин кураш олиб боришди.

Ўн хил вазн тоифасида олиб борилган кураш якунларида чемпион ва совриндорлар аниқланди. 24, 26, 28, 30 ва 32 кг вазнлар бўйича олотлик Н.Беков, қаршилик С.Литвиненко, тошкентлик С.Азимов, самарқандлик О.Қодиров, олотлик Ш.Беганбеков турнир ғолиблари бўлишди.

Катта ёшдагилар - 35, 40, 45, 55 ва 55 кг. дан ортиқ вазнлар бўйича беллашувларда марғилонлик, қаршилик, олотлик ва чирчиқлик ёш полвонлар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

Ўзбекистон «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган I республика очиқ турнири ғолиб ва совриндорлари диплом ва медаллар, ҳомий ташкилотларининг қимматбаҳо совринлари билан тақдирландилар.

**F.МАННОПОВ**

# ЕЛКАДОШЛИК

Oqibat

Талабалик! Ҳаётни ўргатувчи илм, келажакка тайёрловчи кунлар, худди дарё мисоли сокин оқадиган, унинг ташвишларию қувончларига кўзгу бўладиган онлар! Талабалигим! Сенинг менга жуда-жуда азиз бўлган бир томонинг бор. У ҳам бўлса жондай азиз бўлиб қолган курсдошларни тортиқ этишингдир. Мана, талабалигимизнинг тўртинчи йили бошланди. Бу йиллар ичида не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлдик. Бир-биримизнинг тушуниб-тушунмаганларимиз... Ота-онамиздан йироқда талабаликнинг аччиқ-чучук кунларини ўтказар эканмиз, бизга мадад бўладиган жигарларимизни билдирмайдиган курсдошларимиз-елкадошларимиз борлигидан хурсанд бўламиз. Уларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эътиборларини бир-иккита жумлага сиғдириш қийин.

Курсдошимиз Дилфуза автомобил ҳалокатидан жароҳат олиб 2-ТошМИ касалхонасига тушиб қолди. Биз унинг шаҳарда курсдошларидан бошқа ҳеч кими йўқлигини англаган ҳолда соғайиб кетиши учун елиб-югурдик. Биримиз бўлмаса биримиз унинг ҳолидан хабар олиб турдик. Ҳатто унинг палатадагилари ҳам «Курсдошлари бунча меҳрибон экан-а, ўртоқ бўлса шундоқ бўлсин-да», деб қўйишарди.

Мана, ҳозир у соппа-соғ, курсдошлари даврасида.

Бу дунё ўткинчи. Талабалик ҳам ортда қолиб кетади, аммо яхши-ёмон кунлар хотирада бир умрга муҳрланади. Курсдошларим билан бирга бўлганимда ҳаётнинг барча ташвишларини унутгандек бўламан. Бир кун келиб улардан ажралишимни ўйласам... Талабалик йиллари бизга ҳаётни ўргатмоқда. Меҳр деб аталмиш нозик туйғу барчамизнинг юрагимизда бор. Унинг тафтини ҳар биримиз ҳис қила олишимиз керак. Илоё, орамиздаги меҳр-оқибат риштаси узилмасин.

**Дилноза БЕГИМҚУЛОВА, ТошДУ журналистика факультети 4-курс талабаси**

# QUTLOV



**Ҳурматли Рустам ЭРГАШЕВ!**

*Сизни кўп йиллардан буён Бахмал тумани таълим тизимида ишлаб келаётган ташаббускор ва тажрибали раҳбарлардан бири сифатида яхши биламиз. Сизни 7 ноябрь — таваллуд айёмингиз, қутлуғ 50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаб, сермашаққат ишингиз ҳамиша самарали бўлишини тилаймиз. Фарзандларингиз камолини кўриш Сизга насиб этсин! Ҳамиша соғ-омон бўлинг!*

**Бахмал тумани халқ таълими бўлими жамоаси**

## АКСЕЛС

**Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастури**

**АҚШда қисқа муддатли малака ошириш имконияти**

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон ўрта мактаблари инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослиги ўқувчилари учун мўлжалланган Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастурини эълон қилади. 42 та ғолибга нархи 200 АҚШ долларига тенг бўлган дарсликлар, уларнинг мактабларига эса нархи 2000 АҚШ долларига тенг бўлган техник жиҳоз (компьютер ёки нусха кўчириш машинаси, факс, магнитофон ёки қўшимча дарсликлар) топширилади, 10 нафар миллий ғолибга АҚШ университетида етти ҳафталик ёзги семинарда қатнашиш имконияти берилади.

Дастурда:

*— Ўзбекистон ўрта мактабларининг бирида (5—11-синфларда) инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлган;*
*— ўрта мактабда камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган;*
*— 2000-2001 ва 2001-2002 ўқув йилларида ўрта мактабда ишлашни режалаштираётган;*
*— охирги беш йил мобайнида АҚШ ҳукумати ҳомийлик қилган дастурларда қатнашиб, Америка Қўшма Штатларига бормаган;*
*— Олий маълумотга эга бўлган* шахслар қатнашиши мумкин.

Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастурида иштирокчилар ирқи, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди. Иштирокчилар ёши танлов жараёнида эътиборга олинмайди.

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин. Бошқа вилоятлардаги шахслар ахборот ва мурожаатномалар олиш учун ўзларига энг яқин марказ билан боғланишлари мумкин. Мурожаатномалар бепул тарқатилади ва улардан нусха кўчириш мумкин. Тўлдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 14 январга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши шарт.

**Бутун куз давомида АКСЕЛС вакиллари барча ҳудудларда маълумот бериш мақсадида учрашувлар ўтказадилар. Қўшимча маълумот олиш учун АКСЕЛСнинг истаган офисига мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент (371) 152-12-81; Самарқанд (361) 22-89-57; Нукус (361) 222-89-57; Наманган (36922) 6-27-50.**

**Email: acceis @actr.bcc.comuz**

## ACCELS

**UNITED STATES – UZBEKISTAN AWARDS FOR EXCELLENCE IN TEACHING ENGLISH AND AMERICAN STUDIES**
**SHORT-TERM TRAINING OPPORTUNITIES IN THE USA**

The Government of the United States of America and the Untied States Information Agency (USIA) in Uzbekistan, in collaboration with the Ministry of Public Education of Uzbekistan, are pleased to announce the United States – Uzbekistan Awards for Excellence in Teaching English and American Studies for secondary school teachers of these subjects. From throughout Uzbekistan 42 Regional Finalists will receive $200 in textbooks for their classrooms and $2,000 in technical equipment for their schools (computer, or photocopier, fax machine, and tape recorder, or additional textbooks). In addition to the prizes 10 National Finalists will have the opportunity to spend 7 weeks in the US participating in a professional development seminar at an American University.

Eligibility requirements:

- Presently employed as a teacher of English or American studies in a secondary school located in Uzbekistan (grades 5-11).
- Three years of teaching experience at the secondary school level.
- Intend to continue teaching at a secondary school in Uzbekistan during 2000-2001 and 2001-2002 academic years.
- Must not have traveled to the United States on a US-government sponsored program in the past five years.
- Graduated from a university, pedagogical institute, or institute of teacher training.

The United States-Uzbekistan Awards for Excellence in Teaching English and American Studies does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap, or disability.

All the forms in the application should be completed and submitted to one of the offices indicated below not later than **January 14, 2000.**

ACCELS representatives will be in the regions conducting informational meetings throughout the fall. Please contact any ACCELS office for more information. Tashkent: (371)152-1281; Samarkand (3662) 35-02-74; Nukus (361)222-89-57; Namangan (36922)6-27-50. Email: accels@actr.bcc.com.uz

## Xullas...

### "ТУЁҒИНГНИ ШИҚИЛЛАТИБ БЎПСАН!"

**Талончиларнинг дастидан дод! Ахир, улар туфайли хотин-қизлар тилла тақинчоқ тақолмай қолишди.**

**Ибрагимов (Қозон) проспектида зўравонларнинг қўлига тушган қизлар ҳам шу кўйга тушишди. Безорилар эса на ялиниб-ёлворишга, на дод-войга раҳм-шафқат қилишар, қизларнинг қулоқ ва бармоқларидаги тилла буюмларни олишса бас, мақсадлари шу эди.**

**Бу ҳодисани чеккароқда милиция ходимлари атайлаб кузатиб туришарди. "Азаматлар" тақинчоқ билан кифояланишмай, қалтираб турган қизларнинг сумкасидаги ҳамёнга ҳам чанг солишди.**

**Энди милиция ходимлари чидаб туришолмади. Улар зудлик билан тўдани ўраб олишгач, қўрқув туйғуси жабрдийдалардан зўрларга ўтди. Ана, энди қутулиб бўпсизлар!**

**Патрулчилар ҳали ҳеч қандай дағдағага ўтмасданоқ, йигитчалар ўмарган нарсаларини қизларга қайтаришди.**

**Безорилар эса энди ҳеч қаёққа туёқларини шиқиллатолмайди! Худо билсин, улар шу пайтга қадар қанча қизларни қон қақшатишган экан, булар ҳақида ҳисоб беришади.**

### АСФАЛЬТНИНГ ДОРИСИ

**Новосибирск органик кимё институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилган ноёб модда йўлсозларга маъқул келиши турган гап. Бу моддага эга бўлган асфальтни инжиқ об-ҳаво шароитларида ҳам ётқизиш ва яна тахлаб қўйиш мумкин. Нотекис йўлларнинг "давоси".**

**Яна бир муҳим жиҳати шундаки, аралашма солинган асфальт йил давомида ўз хусусиятини сақлайди.**

### БЕЗДИРУВЧИ ВОСИТА

**АҚШда чекишга қарши кураш муттасил давом этса-да, кашандалар сони камайгани йўқ. Улар сони 50 миллион. Шундан 20 миллиони бу "ботқоқ"дан умуман чиқиб кетолмайдиганлардир.**

**Шифокорлар зарарли одатдан қутулишни истовчиларга махсус восита ўйлаб топишди. У қўлга ёпиштириладиган пластирдир. Пластир қўлга ёпиштирилгач, қон томирларига никотин моддаси кам миқдорда тушади. Бу эса чекувчини етарли даражада қониқтиради. Шу тариқа пластир чекувчини никотиндан "тозалаб" боради. 4—12 ҳафтадан сўнг кашанда сигаретадан безади.**

**Шифокорларнинг бу кашфиёти 42 фоиз чекувчиларнинг ярим йилдан бери сигаретани қўлга олмасликларига ёрдам берди, деб ёзади "Америка" журнали.**

ana shunaqa gaplar...

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва физика-математика факультети жамоаси математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти Баҳодир ТОШПУЛАТОВга отаси, I гуруҳ уруш ногирони **Тошпўлат НОРМАТОВ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.***

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Ҳусан НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0922. Тиражи 23.625.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 01.30.